

Абдуллоҳга иймон калимаси муборак бўлсин!



20:05 / 16.08.2019 1719

2019 йил 16 август куни Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жоме масжидида рус миллатига мансуб йигит **Ислом** динини қабул қилди. Масжид имом ноиби Баҳодир домла Раҳматуллаев жума намозидан аввал кўпчилик мусулмонлар гувоҳлигида ўзига янги исм танлаган Абдуллоҳга иймон калимасини айтишида ёрдам берди. Шунингдек, масжиддаги барча мусулмон юртдошларимиз Ислом динини қабул қилган Абдуллоҳни муборакбод этишди.

Ғайридин мусулмон бўлиши учун шаҳодат калимасини айтиши, яъни «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу» дейиши керак. Бунга тил билан иқрор бўлиб, уни қалби билан тасдиқлаши лозим.

Ғайридин кимса Исломни қабул қилгач, унинг ўтган барча гуноҳлари кечирилади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом ўзидан олдинги (гуноҳ)ларни ўчиради» деганлар.

Имом Аҳмад ривояти.

Уламолар янги иймон келтирган одамнинг ғусл қилиб олишини мустаҳаб дейишган. Ғайридин Исломга кириб, мусулмон бўлганидан сўнг Ислом

диниға оид зарурий илмларни ўрганиши, намозни жамоат билан ўқиши, моли нисобга етса закот бериши, Рамазон рўзасини тутиши, агар йўлга қодир бўлса, ҳаж қилиши лозим бўлади.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Ислом динини қабул қилган Абдуллоҳнинг аввалги исми Артём бўлган.

Азизлар, бугун иймон келтирган Абдуллоҳни ҳам ушбу ҳадисга мувофиқ Исломдан олдин қилиб ўтган гуноҳларини Яратган мағфират қилсин ҳамда бундан кейинги ҳаётини иймон ва ислом билан ўтказмоқликни Аллоҳ таоло мақбул айласин.

Islom.uz портали